

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Навоий кон-металлургия давлат корхонаси

Навоий давлат кончилик институти

**5 - июн – Бутунжаҳон атроф муҳитни
муҳофаза қилиш кунида Ўзбекистон
Республикасининг ўрни**

мавзусида

Р Е Ф Е Р А Т

Муаллиф: Салимов Х.В. – биология фанлари номзоди, доцент
«Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» кафедраси мудири

Навоий – 2010

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1972 йил 5-16 июнда Стокгольм шаҳрида ўтказилган конференциясида Япония давлати делегациясининг ташаббусига асосан «5-июн – Бутунжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни», деб эълон қилинди ва шундан бери Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг нишонланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида бу байрамни «Экофестивал» ёки «Экомарофон» ўтказиш билан тантана қилинади. Бу куннинг бутунжаҳон миқёсида нишонланиши, табиат муҳофазаси масаласининг дунёвий тус олиши табиий ҳодисадир. Чунки, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар глобал тус олиб, улар инсоният олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз ҳузурида турлича Ташкилотлар ҳамда Дастурлар тузиб, кенг миқёсда ҳаракат бошлади. Жумладан, 1946 й. маориф, фан ва маданиятни тарғибот қилиш билан халқлар орасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида ЮНЕСКО тузилди. 1948 йил ЮНЕСКО ташаббуси билан Франциянинг Фонтблло шаҳрида Табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш Халқаро Иттифоқи тузилди. 1970 йилда ЮНЕСКО «Инсон ва биосфера» дастурини қабул қилди. 1972 йилда Стокгольм шаҳрида ўтказилган конференция табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг умумий принципларини белгилаб берди. БМТ Бош Ассамблеясининг 28-сессияси атроф муҳит бўйича БМТ нинг дастурини таъсис этди. 1981 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси «Ҳозирги ва келгуси авлодлар учун Ер табиатини сақлаш борасида давлатнинг тарихий маъсулияти ҳақида» резолюция қабул қилди.

Ҳозирги кунда давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳаракатларини ишлаб чиқиш ва уларни мувофиқлаштириш масалалари билан 200 дан ортиқ доимий халқаро ташкилотлар ва марказлар шуғулланмоқдалар. XX - аср ўрталарида, айниқса кейинги 10 йилликда саноат, транспорт ва энергетиканинг жадал суръатлар билан ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ва турмушда кимёвий моддаларнинг тобора кўп қўлланилиши, урбанизация жараёнининг тезлашиши атроф муҳитнинг ифлосланишини кучайтириб, биосферанинг инсон учун яроқлилиги камаяётганлигидан огоҳ қилди.

Фан ва техника ривожланган ҳозирги даврда Ернинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хиллиги ва бир бутунлиги масалаларига путур етмоқда. Маълумки XXVI - аср охирларидан бошлаб, ер юзасидан қарийиб 200 турдан ортиқ умуртқали ҳайвонлар йўқолиб кетди. Ҳозирги пайтда эса сувда ва қуруқда яшовчилар ҳамда судралиб юрувчилар турларининг 2 фоизи, қуш турларининг 3 фоизи, сут эмизувчилар турларининг 6 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Ҳозирга келиб ер юзининг сал кам 1/6 қисмида табиий ўсимлик қоплами йўқолди, 25-30 минг турга эга юксак ўсимликлар дунёсининг, яъни жаҳон флорасининг 8-10 фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфига тушиб қолган. Қуруқликнинг қарийиб 60 фоизига қишлоқ хўжалиги фаолияти сезиларли таъсир ўтказмоқда. Табиий биоценозлар

ўрнини нисбатан беқарор агробιοценозлар эгалламокда, ёки улар ўрнига шаҳарлар, йўллар ва шу каби муҳандислик коммуникациялари қурилмокда.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, бозор муносабатлари асосида ривожланиш йўлига ўтиб олди. Ана шундай мураккаб бир шароитда Республикада атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш янги мезонлар ва талаблар асосида қайта ташкил этила бошланди, бу масалада меъёрий - ҳуқуқий база яратилди, табиат муҳофазаси конституциявий асосга қўйилди. Ўзбекистон ҳукумати ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ер усти ва ер ости бойликларини, ер ва сув ресурсларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан илмий асосда оқилона фойдаланиш, атмосферанинг ифлосланишига йўл қўймаслик каби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (1992), «Ер ости бойликлари тўғрисида» (1994), «Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида» (1993), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» 1996), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997), «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (1997), «Ўрмон тўғрисида» (1999) ва шу каби кўпгина Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатларни амалга жорий этиш атроф муҳитни муҳофаза қилишда, мавжуд экологик муаммоларнинг ечимини топишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси шунингдек Мустақиллик йилларида атроф муҳит муҳофазаси борасида бир қатор Умумжаҳон Конвенция ҳамда келишувларига қўшилди. Жумладан, «Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси» (1993), «Хавфли чиқиндиларни ва нейтраллашни назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси» (1995), «Биологик хилма хилликни сақлаш конвенцияси» (1995), «Сув қушларини асраш бўйича Рамсар конвенцияси» (1996), «Чўлланишга қарши кураш Конвенцияси» (1995), «Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Конвенцияси» (1993) кабилардир.

Биобарин, кейинги йилларда инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни тўғри белгилаш, табиий комплексларни муҳофаза қилиш, аҳолининг кафолатланган атроф муҳитга эгаллигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим масала бўлиб қолмокда. Президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида шундай ёзади: «Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш – ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир». Дарҳақиқат, инсон ва табиат ўртасидаги қонуниятлар бузилиши туфайли тупроқ эрозияси кучаймокда, ўрмонларнинг майдони қисқариб бормокда, атмосфера ифлосланиб, турли кислотали ёмғирлар ёғмокда, сувлар заҳарланиб, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига қайтарилмас зарар

етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, атроф муҳит муҳофазаси ҳозирги замоннинг кескин ижтимоий муаммоларидан бирига айланди.

Глобал ва регионал экологик муаммоларнинг илдизи локал муаммоларга тақалади. Буни Навоий вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Навоий вилояти иқтисодиётини қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда ривожланган саноат мажмуаси ҳам ташкил этди. Бу тоғ-кон ишлари ва металлургия, машинасозлик, кимё, қурилиш, энергетика ҳамда транспорт тармоқларидир. Юқорида қайд этилган саноат йўналишлари вилоят экологик ҳолатини белгиловчи асосий омиллар ҳисобланади. Индустриал салоҳияти юқори бўлган бу ҳудудда экологик назорат ҳам жиддий бўлишлиги талаб этилади. Вилоятда бу бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят табиий муҳитининг ижобий ҳолатини сақлаб қолиш ва бузилган экотизимларни қайта тиклаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Вилоят ҳокимлиги, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бир қатор корхоналар томонидан 2006-2010 йилларга мўлжалланган «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бажариладиган ишлар Дастури» ишлаб чиқилган. Дастурда 68 та тадбир режалаштирилган бўлиб, шундан 20 таси сув ресурсларини, 24 таси атмосфера ҳавосини, 21 таси ер ва ер ости қазилма бойликларини ва 3 таси биологик ресурсларни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Веб сайтлар:

1. Атроф муҳит дастури – www.uznature.uz
2. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси - www.uznature.uz
3. Chinor ENK ахборот сайти- Econews.uznature.uz